Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
16 MAY
PAYSHANBA
№ 60 (26.919)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

ХАЛҚНИНГ ИШОНЧИ — ЧЕКСИЗ КУЧ-ҚУДРАТ



Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз раҳбар масъулияти ва бурчи ҳақида яна бир бор алоҳида тўхталди. Ҳар бир ташкилот, ишлаб чиқариш корхоналари, туман ва вилоятлар раҳбарлари, мутасадди кишилар, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, энг аввало ўз фаолиятига танқидий кўз билан разм солиши, шу мансабга лойиқманми, эл-юрт ишончини оқлай олаяпманми, шу жамиятга қай даражада нафим тегаяпти, деган саволларни ўзига бериб кўриши кераклигини ҳар қайсимиз яна бир карра ҳис қилдик.

Ушбу сессияда Юртбошимизнинг ўз тақдирини шу юрт билан боғлаган инсонлар келажаги хусусида билдирган фикрлари кўпчиликни ҳаяжонга солди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг «Мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман» деган гапи гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Сессиядан сўнг Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберган ҚАИПБЕРГЕНОВ билан қўнғироқлашдик. У киши бизнинг саволларимизга бажонидил жавоб беришини айтди.

— Сессия ўтди. Айни чоғда хаёлингизда қандай фикрлар кечаяпти?

— «Ўзбекистон келажаги — Қорақалпоғистоннинг келажаги, Қорақалпоғистон келажаги — Ўзбекистон келажаги...» Президентимизнинг ушбу гаплари барча қорақалпоқ халқи учун тенгсиз куч-қудрат, ғайрат, қанот бағишлайди.

Президентимиз халққа қалбини кенг очиб, XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган Орол муаммосига, сув етишмовчиликларига чидам бериб яшаб келаётган қорақалпоқ халқининг она юртига меҳри, айрича мардлигини таъкидлаб, янада бунёдкорлик ишларига даъват этди. Шунинг учун ҳам бугунги экологик қийин шароитда биринчи ёрдам қўлини чўзувчи биртўғишганимиз — Ўзбекистон халқининг қалби меҳрга тўла эканлигини яна бир карра тан олдик.

— Сиз улкан ёзувчисиз. Назарингизда бугунги кунда ҳамюртларингиз қандай ўй-хаёллар билан яшаяпти? Аниқроғи, сессиядан сўнг кишиларнинг кўнглида, қалбида қандай ўйлар кечаяпти?

— Энди бир ҳақиқатни гапираман: Халқларимиз орасидаги кўнгил риштаси билан боғланган меҳр туйғуларини ўзимча чуқур тушунсам-да, айримларнинг «бу ёзувчи-да, ўзича тўқиб ёзаверади», — деган ўйга бормасликлари учун ҳеч кимни танлаб ўтирмасдан, кўчада тўсатдан учратган зиёли, узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида ишлаб келган нуроний ва ёш авлод вакилларидан бири билан фикрлашишни ният қилдим.

Биринчи галда нуроний отахонни гапга тутмоқчи эдим, у киши кулиб: «Халқимизнинг «Қарияларга ҳурмат, ёшларга йўл» деган доно ўгитини бузмайман. Аввал шу йигит сўзласин», — деди. У ҳам ўз навбатида нуроний отанинг ҳурматини келтириб, «Ота, менга ноқулай, сиздан бўлсин...», дея уч марта узр сўраса-да, ота йўл ёшларники эканлигини қайта-қайта уқтирди.

«Мен Президентимизга минг-минг олқишлар айтаман, — деди ёш ўспирин. — «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинларини ўтказиш ташаббусини ўртага ташлаганларидан тушундикки, у киши ёш авлодни синовдан ўтказмоқни, нималарга қодирлигини кўрмоқни ният қилганлар. Ҳа, Юртбошининг: «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деб қайта-қайта уқтиришлари бежиз эмас».

Нуроний отахон суҳбатни шундай давом эттирди: «Кечирасиз, мен сўзимни XVII асрда яшаган улуғ боболаримиздан бири — шайх Насафий айтган мана бу гапдан бошласам: «Дунёнинг барча одамлари ўзларича нур излаб яшайдилар. Лекин ўша нурни аввало ўзларидан эмас, бошқалардан излайдилар. Улар бунга қанчалик уринсалар, нурдан шунчалик узоқлашадилар». Кўрдингизми, улуғ шайх қанчалик буюк гапни айтиб кетган. Ҳақиқатан ҳам собиқ СССР даврида биз нурни бошқалардан, яъни Кремлдан кутиб яшадик. Ана шуни тушунган Президентимиз СССР тўлиқ парчаланиб улгурмаган даврдаёқ Ўзбекистонни мустақил республика дея эълон қилганини ким эсдан чиқаради? Мустақилликнинг илк куниданоқ у киши ҳар бир инсонни, аввало ўзлигини билишга, ўз халқининг тарихини, тақдирини ўрганишга чақирди. Бу чақириқ барча ўзбекистонликларга тенги йўқ кўтаринки руҳ бағишлади. Оқибатда мана қандай бўлдик?! Дунёга номигина эмас, балки бутун тарихи ҳамда боболари донг таратган кучли мамлакат бўлиб танилдик. Бошқа давлатлар ўрнак олса арзийдиган мамлакатлардан бирига айланиб бормоқдамиз. Бугунги кунда мамлакатимиз билан дунё ҳисоблашаётгани сир эмас.

Сессияда Президентимиз Жўқорғи Кенгес раисини сайлашда қатнашгани ва жамоатчилик олдида айтган сўзларидан чиқарган хулосаларим қуйидагича: ота-боболаримиз таъбири билан айтганда, ҳар бир инсон қалбида кечадиган ақл нури, билим нури, қаноатлилик нури, сахийлик нури дея аталадиган тўрт нурнинг ғазаб, такаббурлик, очкўзлик, таъмагирлик деган тўрт душмани борлигини Қорақалпоғистоннинг бугунги куни мисолида далиллар билан келтирди.

Президентимизнинг Қорақалпоғистон раҳбарини тайинлашда одамлар қалбидаги нурлар ҳақидаги ривоятларга ҳақиқат кўзи билан қарагани аён бўлди. Қорақалпоғистондаги бугунги экологик қийинчиликлар ҳамда сув тақчиллиги сабаб баъзи одамлар кўнглида қоронғу ўйлар ўрнини ёруғ ишонч эгаллади», — деди оқсоқол.

— Шахсан ўзингиз Президентимиз нутқининг қайси жиҳатлари хусусида тўхталмоқчисиз?

— Президентимизнинг маърузасида бутун Қорақалпоғистон Республикасининг келажаги, тараққиёти қамраб олинган. Шундай бўлса-да, бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Юртбошимиз мазкур сессияда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича қишлоқ жойларда тиббий пунктлар иши қониқарсизлигини таъкидладилар. 10 та тиббий пунктнинг ишга тушмагани, тез ёрдам марказларида аҳвол янада ачинарли эканлиги айтиб ўтилди. Халқнинг соғлиғи йўлида қайғуриш бош масала эканлигини соҳа мутасаддилари чуқур ҳис қилишлари керак. Бундан ташқари лицей ва коллежлар қураяпмиз, деб ўрта мактабларга эътибор бермай қўйилганлиги хусусидаги гаплар ҳам менинг кўнглимдаги гап бўлди.

Қисқаси, Ўзбекистоннинг 37,8 фоизини ташкил этадиган Қорақалпоғистоннинг кенг ҳудуди ҳар турли экинларга, боғ-роғларга айланишига, ер ости қазилма бойликларидан унумли фойдаланишга ҳар бир қорақалпоғистонликда чин кўнгилдан ишонч бор. Ўзбек ва қорақалпоқнинг ягона мақсад йўлида бир тану бир жонлиги барча эзгу мақсадларимиз амалга ошишига кафолат бўлади.

■ Суҳбатдош: Қўчқор НОРҚОБИЛ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«БОШПАНАСИЗ» МАШИНАЛАР»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2002 йил 23 апрель сонида чиққан «Бошпанасиз» машиналар» сарлавҳали мақола Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси 1999 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида шаҳарнинг барча кўп қаватли бинолари атрофини текшириб чиқиб, автотураргоҳлар ташкил қилиш ҳақида туман ҳокимиятларига тақдимномалар киритган эди. Ушбу тақдимномаларга асосан 29 жойда автотураргоҳлар ажратиш ҳақида 2000 йил 7 февралда Тошкент шаҳар ҳокимининг 68-сон қарори чиқди. Ҳозирги пайтда ушбу жойларда автотураргоҳлар ташкил қилинган.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимияти архитектура ва шаҳар қурилиши Бош бошқармасига кўп қаватли уй-жой бинолари атрофидаги бўш жойларда қўшимча очиқ автотураргоҳлар ташкил қилиш учун ер майдонлари ажратиш ҳамда ер ости ва кўп қаватли ёпиқ автотураргоҳларни қуриш масалаларини кўриб чиқиш ҳақида тақдимнома киритилди.

■ Бошқарма бошлиғи Р.ДАМИНОВ

ДЕҲЛИДА ТАНЛОВ

Деҳлида Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси ва Ҳиндистон миллий катхак рақси институти ўзаро ҳамкорликда ўзбек рақслари танловини ўтказди.

Мазкур институт директори Субхаш Бансал танловнинг якунловчи босқичи ниҳоясида ушбу маданий тадбирга юқори баҳо берди.

— Мен ўзбек рақслари ҳинд қизларида шу даражада катта қизиқиш уйғотиши ва дўст ўзбек халқи ижод этган бетакрор дилрабо рақслар Ҳиндистон рақкосалари ижросида ҳам бу қадар жозиба касб этишини кутмаган эдим, — деди С. Бансал.

Кавита Босвами, Анжум Бхарти, Анамика Шарма, Трипти Санвал, Радика Шарма ва Минакши Ария сингари ҳинд қизлари ижросидаги «Фарғоначa рақс», «Ноз-ноз», «Қўшиғим бор», «Лазги», «Ўзбек қизлари», «Нозли ёрим» сингари чиқишлар танлов ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Танловда фахрли ўринлардан бирини эгаллаган «Катхак Кендра» рақс маркази талабаси Трипти Санвал ўзбек рақсларига бошқача кўнгил қўйганини таъкидлар экан, бу ўзига хос санъат сирларини бундан кейин ҳам пухта ўрганиш ниятида эканини айтди.

Тадбир ниҳоясида танлов ғолибларига элчихона томонидан таъсис этилган ёрлиқ ва мукофотлар топширилди.

■ «Жаҳон» АА

Суратларда:

1. Тайёр маҳсулотлар кўздан кечирилмоқда. 2. Тикувчилар (чапдан) Гулнора Қорабоева, Элмира Галлаҳмедова, Светлана Титова, Марина Югай, Нигора Маҳкамова ва уста Дилором Мусаева иш устида.

■ Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

2002 йилнинг 2 майида Осиё тараққиёт банки Директорлар кенгаши Ўзбекистон Республикасига Оролбўйи ҳудудида сув таъминоти тизимини яхшилаш лойиҳасини амалга ошириш учун қарз ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги мазкур лойиҳанинг асосий мақсади Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг сўнгги икки йил давомида сув тақчиллигидан зарар кўрган қишлоқ туманларида аҳоли турмуш шароити ва соғлиғини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Жорий йилнинг 11 майида Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Хитойнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган йиллик мажлисида номи зикр этилган сув тақчил ҳудудларда ичимлик сув таъминоти тизимини такомиллаштириш лойиҳаси бўйича 38 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қарз шартномаси имзоланди. Ушбу маблағлардан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

— умумий узунлиги 150 километр бўлган магистрал сув тармоқларини барпо этиш;

— қиркдан ортиқ қишлоқ сув тақсимлаш тармоғини, 8 та сув чиқариш қудуғини ва умумий узунлиги 500 километрдан зиёд сув узатиш тармоқларини қуриш ва таъмирлаш;

— сувни чучуклаштирувчи ускуналар, шунингдек, магистрал ва тақсимловчи тармоқларда сув ҳисоблаш приборларини ўрнатиш.

Лойиҳанинг амалга оширилиши (Қорақалпоғистоннинг 12 та тумани ва Хоразм вилоятининг 4 та тумани) қўшимча равишда 700 мингдан ортиқ кишини ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш, сув исрофини 20 фоизга камайтириш имконини беради.

Ҳужжатни Осиё тараққиёт банки президенти Т. Чино ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р. Азимов имзолади.

■ (ЎзА)

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ЖАЗИРАМА САБАБ...

Ҳиндистонда об-ҳаво исигандан-исиб бормоқда. Ҳатто ҳароратнинг юқорилиги сабаб кейинги 6 кунда Андҳра-Прадеш штатида камида 50 киши оламдан ўтди. Бу ҳақда штатнинг расмий вакили хабар тарқатди. Кейинги 6 кун давомида штатда ҳаво ҳарорати 48 даражагача кўтарилган. Об-ҳавони кузатиш марказининг хабарига кўра, бундай жазирама Ҳиндистонда яна бир неча кун давом этиши мумкин экан.

ТИНИМСИЗ ЁМҒИР ОҚИБАТИДА

Африка шарқида бир неча кундан бери ёғаётган кучли ёмғир сабаб 150 киши оламдан кўз юмди, 173 минг киши уй-жойсиз қолди. Тинимсиз ёмғир сув тошқинини ва тупроқ ўпирилишларини келтириб чиқарди.

Кенияда — 68 киши, Руандада — 59 киши, Мадагаскарда — 13, Угандада — 7 киши шу табиий офат сабаб нобуд бўлди.

ПРЕЗИДЕНТ ЎҒЛИ СЎРОҚҚА ЧАҚИРИЛАДИ

Жанубий Корея бош прокуратураси мамлакат президенти Ким Дэ Чжуннинг ўғлини сўроқ қилишга қарор қилди. Президентнинг уч ўғлидан энг кенжаси порахўрликка алоқадорликда айбланмоқда. Унинг тафсилотлари ҳақидаги хабар ҳозирча ошкор этилмаяпти.

Президентнинг ўғли Сеул шаҳар прокуратурасида сўроқ қилиниши кутилмоқда.

ЛАВОЗИМДАН БЎШАТИЛДИ

Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов буйруғи билан республика Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик бошқармаси бошлиғи, давлат хавфсизлиги зобити Сардор Яхшиев эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди. Шунингдек, бу подполковник ўз ҳарбий унвонидан, давлат мукофотларидан ва барча имтиёзларидан маҳрум этилди.

ИСЛОҲОТ ВА ҚОНУН

ШАРТНОМА МАСЪУЛИЯТИ

Йилнинг биринчи чорагида адлия идоралари томонидан 21,5 минг шартнома нотўғри тузилганлиги аниқланди. Тадбиркорлар манфаатини кўзлаб судларга 11,4 миллиард сўмлик 979 та даъво аризаси киритилди.

Икки шахс, икки идора ёки ташкилот ўзаро ҳамкорлик қиладиган бўлса, табиийки, ўртада шартнома тузилади. Шартномада томонларнинг бурчи, вазифалари аниқ кўрсатилади. У ёки бу томон шартнома бандларида келишилган шартларни ўз вақтида тўла-тўкис бажармаса, бу ҳолатга нисбатан ҳам чора-тадбир белгиланган бўлади. Қисқаси, шартнома юридик жиҳатдан пишиқ ва пухта тузилган бўлса, томонлардан ҳеч бири эртага «куйиб» қолмайди.

Афсуски, шартномалар масъулиятини чуқур тушунмай унга имзо чекаётганлар бор, шартномада ўз зиммасига юкланган вазифага лоқайдлик билан қараш ҳоллари давом этмоқда. Натижада томонлар ўртасида зиддият пайдо бўлиб, ишлар судга бориб тақалмоқда. Вақт кетиб, асаб бузилади, иқтисодий зарар кўрилади. Энг ташвишлиси шундаки, шартнома шартларига риоя этмаслик оқибатида давлат мулки ҳам талон-торож қилинмоқда.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур албатта. Бу борада Президентимизнинг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур Фармонда хўжалик юритувчи шахсларни шартнома интизомини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш учун белгиланган чоралар қўлланиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда бу ишда расмиятчилик ва ҳуқуқий саводсизликка барҳам бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ана шу Фармоннинг ижросини таъминлаш учун адлия тизимида ташкил этилган «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш» бошқармаси кенг қамровли тадбирларни амалга оширмоқда. Лекин йилнинг биринчи чораги якунлари бу ишда ҳали қилиниши лозим бўлган вазифалар борлигини кўрсатмоқда.

Бошқарма ходимлари томонидан 2002 йилнинг 1-чорагида 44,5 мингдан ошиқ муддатида бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган шартнома мавжудлиги аниқланди. **Ўрганишлар жараёнида муддатида бажарилмаётган шартномаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида адлия ходимлари ёрдамида 161.6 миллион сўмлик 57 та талабномалар киритилди.** Шунингдек, ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари ва ижарачилар ҳамда оила пудратчилари билан тузилган шартнома мажбуриятларини бажармаган, нотўғри тузилган ёки муддатида бажарилмаган шартномалар бўйича 231 та тақдимнома киритилиб, уларнинг ижроси юзасидан 101 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шундан 8 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди ва 12 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Масалан, **Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг шартнома мажбуриятларининг бузилиши юзасидан киритган тақдимномасига асосан «Қишлоқхўжаликкимё» ДАБнинг Сайхунобод туман филиали мудири Х.Маматқулов, Сирдарё туман филиали мудири Д.Жуматовларга «ҳайфсан» интизомий жазоси берилди. Меҳнатобод туман филиал мудири Ш.Раҳматуллаев эса эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.**

Бошқарма аввало хўжалик юритувчи субъект вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун ҳаракат қилмоқда. Масалан, ўзбек ва рус тилларида нашр этилган. «Хўжалик шартномаларига оид қонун ҳужжатлари ва шартномалар намунавий шакллари тўплами» хўжалик юритувчи субъектларнинг кўмакдошига айланиб улгурди, десак хато эмас. Тузиладиган барча шартнома лойиҳаларининг дастлаб Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, шундан сўнг тузишга тавсия этилаётганини ҳам алоҳида қайд этиш керак.

(Давоми 2-бетда)

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ

ҲАР БИР КИШИНИНГ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИГА БОҒЛИҚ

Мамлакатимизда ўтказилган референдум натижаларини амалга ошириш мақсадида Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни қабул қилинди.

Бир қараганда, бу қонун бошқа қонунлардан фарқ қилмайдигандек туюлади. Лекин, мана шу ҳуқуқий ҳужжат референдум натижаларини амалда ифодалаш учун Асосий қонунимиз бўлмиш Конституцияга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга асос бўлади. Шунингдек, Конституциявий қонун ўз моҳиятига кўра, келгусида қабул қилиниши зарур бўлган ўзгаришлар жараёнини ўзида мужассам этадиган янги қонунларни тақозо этадиган яратувчанлик табиатига ҳам эгадир. Шунинг учун унинг ҳуқуқий мақоми конституцияга тенглаштирилди. «Қонун» деган муқаддас сўз ёнига янада улуғроқ бўлган «Конституция» сўзи қўшилиши натижасида бу қонун икки карра улуғ мақом олди. Қонунчилигимиз ва ижро ҳокимиятидаги ўзгаришларнинг ўзи катта ходиса. Ўтган референдумда халқимиз яна бир бор келажагини, истиқбол ва ривожланиш йўлини белгилаб олди, десак хато бўлмайди.

Галдаги вазифа — қуйи ва юқори палатанинг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг қонунлар қабул қилишдаги ўзаро алоқаси ва муносабати, шу билан бирга палатанинг шаклланиш тартиби каби масалаларга эътибор қаратишдан иборатдир.

Қонунга кўра, қуйи-қонунчилик палатасига уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида сайлов ўтказилади. Бундай тартибнинг аҳамияти жудда катта. Биринчидан, сайлов ўтказиш муддатининг аниқ белгилаб қўйилиши субъектив ҳолатлар вужудга келишининг олдини олади. Шу билан бирга, сайловлар фақатгина йилнинг охирида, яъни йил давомида мўлжалланган барча режа ва юмушлар ниҳоясига етказиб олингандан кейин хотиржам вазиятда ўтказилади. Қолаверса, бундай тартиб қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасида мувозанат ва уйғунликни таъминлашга, бир-бирининг фаолиятини такрорламасликка, бу органларнинг ҳар бири ўз вазифасини аниқ бажаришига шароит яратади.

Юқори палата — Сенат аъзолари декабрь ойининг охирида Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашларига бўладиган сайловлардан кейин бир ой ўтмасдан, қонунда белгиланган тартибда сайланади.

Бўлаётган ўзгаришлар фақат қонунчилик ва ижро ҳокимиятини қамраш билан чекланмаслигини алоҳида қайд қилишни истардик. Қуйи палатада энди сиёсий партиялар кўпроқ ўрин эгаллаш учун қатъийроқ ҳаракат қиладилар. Яъни, қонун чиқарувчи ҳокимиятдаги ўзгариш сиёсий партиялар фаоллашувига олиб келади. Сиёсий партиялар фаоллашуви эса ижтимоий фаолликни тақозо этади. Бу дегани, фуқаролар янада сиёсий фаол бўлади, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортади.

Ўз навбатида қонунчилик ҳамда ижро ҳокимиятидаги ўзгаришлар нодавлат-жамоат ташкилотлари, айниқса фуқаролик институтлари олдига ҳам бир қатор вазифалар қўяди. Маълумки, ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик анларга нечоғлик жавоб бермасин, барибир, ўз кучини ўтказишга ҳаракат қилади. Тарозининг палласини тенг ушлаш мақсадида эса дунё давлатчилиги тажрибасидан маълумки, давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролик назорати ўрнатилади. Натижада жамиятдаги ҳар бир одам фаол бўлиши, доимо огоҳ, ҳар бир жараёнга онгли муносабатда бўлиши лозим. Демократик жамият аслида фуқаролар фаоллиги деганидир. Демократик-ҳуқуқий жамиятда лоқайдлар бўлмайди. Демократиянинг энг катта душмани — лоқайдлик, деб бекорга айтишмаган. Хуллас, бўлиб ўтган референдум натижалари ҳар бир соҳани «уйғотиб» юборади.

Бир соҳадаги ислоҳот, кўриб турибсизки, бутун жамиятни қамраб олаяпти. Ислоҳотлар кутиб ўтирмайди, дейишади. Унга етиб олиш, иложи бўлса, қувиб ўтиш ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчидир.

Онгли фуқаро жамият, давлат ривожи учун энг аввало масъулиятни ўз елкасига қўйиши, нимаики талаби бўлса, дастлаб ўзидан қидириб жавоб излаши керак бўлади. Демократик ислоҳотлар фуқаронинг елкасига ана шундай сергакликни юклайди.

Демак, қонун чиқариш ва ижро ҳокимиятида ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири — кенг оммани сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, шу билан бирга уларни давлат ва жамиятни бошқариш масаласига кўпроқ жалб қилишдир.

■ **Самира САИДҒОЗИЕВА,**
Тошкент давлат юридик институти аспиранти.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЛЕНУМ, ЙИҒИЛИШ ВА МАЖЛИСЛАР

Ўзбекистон ХДП Тошлоқ, Уйчи, Элликқалъа туман кенгашларининг пленумларида «Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясидаги маърузасидан ва Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида»ги масалалар муҳокама этилди.

Улар юзасидан туман партия кенгашларининг биринчи котиблари У. Маҳмудов, С. Ғайбуллаев, Ш. Кенжаевларнинг маърузалари тингланди.

Партия Тошлоқ туман кенгаши «Демократик ислоҳотларнинг янги босқичида партия ташкилотларининг вазифалари» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда сиёсий ислоҳотларнинг муаммолари, икки палатали парламент афзалликлари, жамиятни эркинлаштиришда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ўрни каби мавзулар асосий ўрин эгаллади.

ХДП Андижон шаҳар кенгаши ижроия бюросининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида партия Марказий Кенгашининг IV пленуми қарорларини амалга ошириш ҳамда шаҳардаги маориф ва маданият тизимида фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотларининг партия сафларини мустаҳкамлаш, ички партиявий интизомга риоя қилиш масалалари муҳокама этилди. Йиғилишда маориф ва маданият соҳалари тизимидаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари ва ўқув юртлари раҳбарларининг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича ўринбосарлари иштирок этдилар, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ХДП Норин туман кенгаши, махсус жадвал асосида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ саккизинчи сессиясида қабул қилинган ҳужжатларни кенг омма орасида тарғибот қилиш ишларини амалга оширмоқда. Туман электр тармоқлари, агросуғурта ва молия бўлимлари ишчи ва хизматчилари иштирокида, парламент қабул қилган қарор ва ҳужжатлар мазмун-моҳияти, уларнинг демократик жамиятни барпо этишдаги аҳамияти ҳамда ХДП ташкилотларининг амалий ишлари тўғрисида савол-жавоб тариқасида, йиғилишлар ташкил этилди.

ХДП Кўқон шаҳар кенгаши ҳузуридаги «Сиёсат» баҳс-мунозара клубининг кўчма машғулотлари шаҳардаги қатор маҳаллаларда ўтказилди. Йиғилишларда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимиз парламентининг саккизинчи сессиясидаги маърузасини ўрганишга катта эътибор берилди. Мунозараларда иштирок этган ёшларни давлат бошқаруви, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотларининг муаммолари тўғрисидаги саволларига партия кенгаши бюро аъзолари жавоб бердилар.

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ

Қамаши туман партия кенгаши ташаббуси билан, 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб, «Кексалари эъзозли юртим!» мавзуида, маданий-маърифий тадбир уюштирилди. Унда давлат идоралари вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари ва бошқа жамоат ташкилотлари етакчилари иштирок этдилар.

ХДП Қамаши туман кенгашининг биринчи котиби Ш. Бердиев кексаларимизнинг ёшларга устоз-муаллим,

ЯНГИ ҚУВВАТ ИШГА ТУШДИ

Бугунги кунда тўқимачилик саноати тизимлари янги-янги замонавий линиялар, дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Улар эришган ютуқлар эса яққол кўзга ташланмоқда.

Фарғона вилоятининг Кува шаҳридаги «Кува» тўқимачилик очиқ акциядорлик жамияти меҳнат аҳли ҳам цехларни таъмирлаш, янги, замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлаш йўлидан бормоқда. Корхонада қўшимча тўқув цехи биноси қисқа муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун чет эл сармояларини жалб этиш режалари белгиланди. Йилига 800 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга корхонада 500 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиларди. Янги цех ишга тушиши билан қўшимча яна 300 га яқин янги ишчи ўринлари яратилди.

✧✧✧

Суратда: *корхонанинг илғор тўқувчиси Феруза Тоштемирова.*

■ **Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат**

АКАДЕМИК БЎРИБОЙ АҲМЕДОВ

Мамлакатимиз фани оғир жудоликка учради. Бутун фаолиятини тарих ва шарқшунослик фанларини ривожлантириш, шу соҳада илмий кадрлар тайёрлашга бағишлаган атоқли олим, академик, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон фан арбоби, Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Бўрибой Аҳмедовни бешафқат ўлим орамиздан олиб кетди.

Б. Аҳмедов 1924 йили Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги Қорасув қишлоғида туғилди. 1953 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг шарқ факультетини, 1960 йилда Санкт-Петербург давлат университети аспирантурасини тамомлади. Кўп йиллар давомида Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ишлаб, кичик илмий ходимликдан академик даражасигача бўлган илмий-ижодий йўлни босиб ўтди.

Заҳматкаш олим Ўзбекистон давлатчилиги тарихини, халқимизнинг қадимий ва бой ўтмиши саҳифаларини илмий нуқтаи назардан изоҳлаб бериш ва ёритиш, халқаро илмий доираларда тарғиб этиш ишига беқиёс ҳисса қўшди. Ўзининг манбашунослик, Ўрта Осиё халқларининг X-XIX асрлардаги ижтимоий-сиёсий тарихига оид тадқиқотлари билан дунё миқёсида обрў-эътибор қозонди.

Айниқса, мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон тарихидаги ўрнига илмий жиҳатдан ҳаққоний баҳо берилишида Б. Аҳмедовнинг хизматлари каттадир. Хусусан, унинг қаламига мансуб «Амир Темур» асари буюк давлат арбобининг тарихий-бадиий сиймосини яратишда муҳим ўрин тутади.

Б. Аҳмедов буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО халқаро ташкилоти иштирокида Париж, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий анжуманларни уюштиришда, Амир Темур ва темурийлар тарихига оид бир қатор монографиялар, илмий мажмуа ва альбомларни нашр этишда улкан ташкилотчилик фазилатларини намоён этди.

Академик Б. Аҳмедов 300 дан ортиқ монография, дарслик ва бошқа илмий асарлар муаллифи бўлиб, унинг кўплаб китоблари хорижий тилларга таржима қилинган. У ўз фаолияти давомида ёш илмий ходимлар тарбиясига алоҳида эътибор берди. Жамоатчилик олимни 40 дан ортиқ фан доктори ва номзодларини етиштирган, манбашуносликда ўз илмий мактабини яратган талабчан ва меҳрибон устоз сифатида яхши билади ва қадрлайди.

Атоқли олим самарали илмий ва жамоатчилик фаолияти учун Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти, «Дўстлик» ордени каби давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

Б. Аҳмедовнинг миллий истиқлолимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтириш борасидаги алоҳида фаолияти муносиб баҳоланиб, у «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлган эди.

Улкан олим, ажойиб инсон Бўрибой Аҳмедовнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, Т. РИСҚИЕВ, Х. СУЛТОНОВ, Ҳ. КАРОМАТОВ, А. ОРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, А. АҲМЕДОВ, Т. ФАЙЗИЕВ.

ХДП ХАБАРИ

САРҲИСОБ

Пойтахтдаги темурийлар тарихи давлат музейи биносида Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди.

Кенгаш биринчи котиби У.Шойимқуловнинг туман партия ташкилотининг ўтган йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи бўйича маърузасидан маълум бўлдики, партия ташкилотлари ХДПнинг дастурий мақсадлари, миллий истиқлол ғоясини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Кенгаш ташаббуси билан бошланғич партия ташкилотларида Қомусимизни ўрганиш ва уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида турли йиғинлар, илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари, учрашувлар, ўқув машғулотлари ўтказилди. Бу каби хайрли тадбирларни амалга оширишда, республика ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази, республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, туман бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси билан қилинган ҳамкорлик ўз самарасини кўрсатди.

Ўтган йил сарҳисоби шуни кўрсатдики, ЎзХДПдан Тошкент шаҳар кенгашига сайланган депутатларининг сайловчилар билан алоқаларини мустаҳкамлаш ва депутатлик қабулхоналарининг ишларини янада фаоллаштириш, туман партия кенгашининг доимий эътиборида бўлди. Ўтган 2001 йил мобайнида, ЎзХДПдан сайланган уч нафар депутат томонидан 167 нафар фуқаро қабул қилиниб, улардан 154 нафарининг ариза ва шикоятлари ижобий ҳал этилди. Қилинган ишлар туфайли ХДПнинг обрўйи ошиб, ташкилот сафлари кенгаймоқда. Чунончи, 2001 йилда партия сафларига 395 нафар янги аъзолар қабул қилинди. Бугунги кунда Юнусобод туман партия ташкилоти ҳисобида 5,3 минг нафар ЎзХДП аъзолари бўлиб, улар 143 та бошланғич партия ташкилотига бирлашганлар.

Пленумда туман партия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Олий Мажлис саккизинчи сессиясида қилган маърузаси ва ЎзХДП Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари белгиланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Собир Қурбонов сўзга чиқди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ**

БИР ТАЖРИБА МЕВАСИ

Отам ҳар гал ток кесаётганда: «Новдаларни кам қўйсанг, ҳосили йирик бўлади», — дердилар. Икки-уч йил илгари бир туп тоифи токни кесаётганимда тажриба учун бир зангида атиги 2 тагина новда қолдирдим. Ўшанда новдалар ўрта йўғонликда эди. Келгуси йил кўкламда ток яхши кўкарди. Ҳар бир шохида 5-6 тадан новда бор эди. Хомток вақтида улардан яна бир-бир донадан қолдириб, бошқаларини олиб ташладим. Икки зангдаги икки новда кузгача яхши ўсди. Бақувват-бақувват новдалар бўлди. Кўмиш вақтида яна 4-5 бўғиндан қолдириб кесдим. 2001 йилнинг баҳорида уларни авайлаб сўрига кўтардим. Ток тўпларини вақтида суғориб, вақтида озиқлантириб турдим. Ҳашарот ва касалликларга қарши дориладим. Сўрида 2 бош шундай бир ажойиб, қип-қизил узум бошлари пайдо бўлдики, узуммисан-узум эди. Ҳар бири 6-7 килограммдан тош босди.

Боғбонликни ният қилган ватандошларим ҳам бир тажриба қилиб кўрсалар ёмон бўлмасди.

■ **Йўлдош ОДИЛОВ,**
Паркент тумани, Заркент қишлоғи.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДА ҚАТНАШДИ

Навоий «Донинвест» ишлаб чиқариш фирмаси ташкил топганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигида 3 миллион 334 минг АҚШ долларлик маблағ ҳисобига қурилган фирма қисқа вақтда жаҳон андозаси даражасида маҳсулот чиқара олди. Германиянинг «Бероплан — ГМБХ» фирмаси асбоб-ускуналари билан жиҳозланган фирма ҳозир 7 хил пиво ишлаб чиқармоқда. «Браво-1», «Браво-2», хуллас «Браво-7»га қадар пиволар нафақат Ўзбекистон балки Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам харидоргир бўлиб кетди.

Навоий пивосига олтин юлдуз медали берилиши бежиз эмас. Гап шундаки, Минскда пиво, шароб ичимликлари бўйича ўтказилган халқаро кўргазмада «Донинвест»нинг бир йўла 3 хил пивосига олтин ва кумуш медаллари берилди. Истеъмолдаги арпали пиволар эмас, аксинча буғдойли «браво»лар жаҳондаги 25 та завод тақдим этган 41 хилдаги ичимликлар орасида энг юксак мукофотларга эга бўлди. «Браво-7» буғдойли пивоси эса 2002 йилнинг «Энг сара ва сифатли пивоси», деб тан олинди.

■ **Музаффар ШАРОПОВ**

ИСЛОҲОТ ВА ҚОНУН

ШАРТНОМА МАСЪУЛИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вазирликлар, идоралар ва бошқа уюшмалар раҳбарлари ҳамда шартнома муносабатлари бўйича масъул ходимлар иштирокида ҳар йили мунтазам равишда шартнома муносабатлари мавзуидаги семинарларнинг ўтказилиши ҳам шартнома тарафларининг ҳуқуқий билимларини оширишга ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, ҳар йили хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий муносабатлар бўйича масъул ходимлари ва ҳуқуқшунос мутахассисларининг малакасини ошириш ўқув курслари ташкил этилган.

Лекин, афсуски, шартномани нотўғри тузиш, унинг шартларини бажармаслик ҳолатлари учраб турибди.- Жорий йилнинг биринчи чораги давомида адлия идоралари ходимлари томонидан **1905 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган **93,7 мингдан** ортиқ шартномаларнинг қонунийлигини ўрганилганда **28,7 миллиард** сўмлик **21,5 мингта** шартнома нотўғри тузилганлиги аниқланди. Бундай шартномаларнинг барчаси қонун асосида қайта туздирилди. Шунингдек, **117,3 мингдан** зиёд ташқи ва ички хўжалик шартномалари бевосита адлия ходимлари иштирокида тузиб чиқилди.

Масалан, **Фарғона вилоятининг Кувасой шаҳридаги А.Икромов номидаги ширкат хўжалиги 52 нафар оила пудратчилар билан тузилган шартномаларда мажбуриятлар бажарилганда пудратчиларнинг моддий манфаатдорликлари белгиланмаган. Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги «Қоракўлча» ширкат хўжалиги томонидан ғалла етиштирувчи оила хўжалиги билан тузилган шартномаларда шартнома режасини ортиғи билан бажарганда уларга қанча миқдорда ғалла ёки пул мукофоти берилиши кўрсатилмаган.**

Бундай камчиликларни ташқи шартномалар тузилишида ҳам учратиш мумкин. Масалан, **«Тошэлектрмонтаж» шўъба корхонаси билан «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» корхонаси ўртасида 2001 йил 3 сентябрь куни тузилган шартномада етказиб бериладиган маҳсулотнинг сифати, тури, олдиндан тўловларни амалга ошириш тартиблари, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун томонларнинг жавобгарликлари белгиланмаган. Шунингдек, Тошкент вилояти «Ўртаовул» машина трактор парки ҳиссадорлик жамияти томонидан механизация ёрдамида 5,5 миллион сўмлик ишларни бажариш юзасидан тузилган 3 та шартнома тегишли тартибда туман шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказилмаган ҳолда ижрога қаратилган.**

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, шартномавий муносабатларда қонунбузилиш ҳолатлари тез-тез содир бўлмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида моддий-техника ресурсларига бўлган эҳтиёж тўла қондирилмаслиги, тадбиркорлар, шу жумладан, фермер хўжаликларининг ўз ҳисоб рақамларидаги ҳамда етказиб берадиган маҳсулотлари учун олдиндан тўланадиган бўнак маблағларидан ҳеч қандай тўсиқларсиз эркин фойдаланиш имкониятига эга эмаслигини кўрсатиш мумкин. Айрим ҳолларда эса ҳисоб рақамларда маблағлар бўлмаслиги, товар айирбошлаш, учинчи шахслар ҳисобидан тўловларни амалга ошириш, ҳисоб-китоб қилмасдан маҳсулот айланмасини амалга оширишга ҳаракат қилинмоқда. Бундай ҳолатлар ўз навбатида солиқ тўловларини тўлашни яшириш, банкда пул маблағлари айланмасининг камайишига олиб келади.

Мисол учун айтадиган бўлсак, **«Қишлоқхўжаликкимё» ДАБнинг Олот туман филиали томонидан Олот тайёрлов базасига етказиб берган маҳсулотлари учун 800 минг сўмлик, «Олот сув-1» ташкилоти томонидан кўрсатилган хизматлар учун 500 минг сўмлик минерал ўғитлар берилиб, ҳисоб-китоблар товар айирбошлаш йўли билан амалга оширилган.**

Фермер, деҳқон хўжаликлари, пудратчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини фуқаролик ҳамда хўжалик судларига даъво аризалари киритиш орқали ҳимоя қилишдаги адлия идораларининг мавқеи янада қаратилган. Ҳозирги кунда **809 миллион** сўмлик **381 та** даъво аризалари судлар томонидан мазмунан кўриб чиқилди ва қаноатлантирилди.

Оилавий пудратчилар ва фермер хўжаликлари фойдасига ширкат хўжаликлари ҳамда тайёрлов идоралари томонидан етказилган моддий, шунингдек, маънавий зарарларни ҳам ундириш юзасидан аниқ ишлар амалга оширилмоқда. Судларга киритилган даъво аризаларини мазмунан кўриб чиқиш жараёнида хўжаликларга жами **24,4 миллион** сўм етказилган моддий зарар, **9,5 миллион** сўм бой берилган фойда ундириб берилди.

Масалан, **Навоий вилоят адлия бошқармаси томонидан «Фидокор» фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб судга киритилган даъво аризаси асосида фермер хўжалигига етказиб берган пахта хомашёси учун ҳақни тўлашдан асоссиз бош тортиб келгани боис Хатирчи туман «Пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти раиси Б.Муртозаев ва катта ҳисобчи Ф.Ҳасановларнинг чўнтагидан 60633 сўм моддий ва 30000 сўм маънавий зарарлар ундириб берилди.** Шунингдек, **Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги «Пахтаобод» ширкат хўжалиги билан оилавий пудратчи М.Шокиров ўртасида 2001 йилда ғалла етиштириш юзасидан 2000 йил 9 октябрда тузилган ички хўжалик шартномасига асосан пудратчи ширкат хўжалигига шартнома режасидан ортиқча 2100 кг. буғдой учун пудратчи билан ҳисоб-китоб қилмаганлиги сабабли киритилган даъво ариза Риштон туманлараро фуқаролик суди томонидан 2002 йил 22 январь куни кўрилди. Суднинг қарорига асосан «Пахтаобод» ширкат хўжалигидан оилавий пудратчи М.Шокиров фойдасига 294360 сўм режадан ортиқ етказилган маҳсулотнинг қиймати, 191180 сўм моддий ва 5000 сўм маънавий зарар ундириб берилди.**

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчилик асосларини яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Эркин фуқаролик жамияти қуриш сари интилаётган жамиятимизда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий саводхонлик тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса фуқароларимизда қонунларни яхши билиш ҳамда уларга сўзсиз амал қилиш ҳисси шаклланаётганидан далолатдир. Шу билан бирга бугун йўл қўйилган хатоларни эртага такрорламасликка интилишимиз, иқтисодий тараққиётнинг асосини ташкил этувчи шартномавий қонунчилик мезонларини яхшироқ ўрганишимиз ва уларни амалда ҳаётга татбиқ эта олишимиз лозим. Ана шундагина кўзланган мақсадларимизга илдам эриша оламиз.

■ **Шокир САИДОВ,**
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

ҳамдард-ҳамнафас ва суянчиқ эканлиги ҳамда улар тиниб-тинчимаслиги, соф қалблари, эзгу ниятлари, гўзал фазилатлари билан барчага ўрнак, намуна бўлаётганликлари тўғрисида сўз юритди.

Тадбирда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Э.Аҳмедов, туман ҳокимининг ўринбосари Л. Қаландарова, Улуғбек маҳалласи оқсоқоли Т. Тўлаганов ва меҳнат фахрийлари: М. Раҳмонов, И. Раҳматов, М. Тўхтаев, Х.Олломурадовлар туман ижтимоий ҳаётида ўзларининг самарали меҳнатлари билан қадр топган кўплаб марҳум инсонларни ёдга олиб, мамлакатимизда қарияларга кўрсатилаётган иззат-икром учун шукроналар айтдилар.

Шунингдек, бу санага атаб, ХДП **Беруний туман кенгаши** «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари билан ҳамкорликда, тантанали тадбир ташкил этди. Унда туман партия кенгашининг биринчи котиби Ю. Насурлаев иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширди. Кечада ёш санъаткорларнинг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди.

ХДП **Урганч шаҳар кенгаши** томонидан уюштирилган «Хотира муқаддас, қадрлаш эса бурчдир» мавзуидаги учрашувда уруш ва меҳнат фахрийлари, партия фаоллари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда ёшлар вакиллари иштирок этдилар. Унда шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Б. Бобожонов, Олий Мажлис депутати И.Бойжонов, 16-сон мактаб директори Т. Абдуллаевалар бундай тадбирлар, ўтганлар руҳини шод этиб, кексаларнинг ҳурматини жойига қўйиш билан бирга, ёшлар қалбига, ота-боболаримиз жасоратининг қадрига етиш, она-Ватанга, халққа муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, шу юртга муносиб фарзанд бўлишдек, эзгу туйғуларни сингдиришдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

ХДП **Навоий шаҳар кенгашининг** ташаббуси билан шаҳардаги «Зайни бобо» чойхонасида байрамона дастурхон ёзилди. «Қарияларга эҳтиром», деб номланган учрашувга бугунги кунда кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонлар ташриф буюрдилар. Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби У.Мусаев қарияларимизнинг ёшлар тарбияси, жамиятда тинчлик ва тотувликнинг барқарор сақланишидаги ўрни тўғрисида гапирди. Тадбирда 60 нафар фахрийларга совғасаломлар топширилди.

ХДП **Асака шаҳар кенгаши** шаҳардаги маиший хизмат, тиббиёт коллежлари, «Ҳамдўстлик», С.Обидов маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда қатор мактабларда «Қариялар — юрт кўрки, зийнати» мавзуида, Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган учрашувларни ташкил этди. Ушбу кечаларда узоқ умр кўриш улуғ неъмат эканлиги, кексаларни эъзозлашдек азалий миллий қадриятларимизнинг боқийлиги, фахрийларимиз Ватан, халқ, мустақил мамлакат манфаатлари, шаъни-шавкати учун ёшлар билан ҳамқадам, куйиб-пишиб, курашиб яшаётганликлари тўғрисида сўз юритилди.

Ушбу сана муносабати билан ХДП **Данғара туман кенгаши** ҳам узоқ йиллар давомида жамоатчилик ишида фаол қатнашиб келаётган — Н. Дадажонова, Ю. Иброҳимов, А. Усмонов, Т. Султонов, М.Аббаров ҳамда Р. Чинбердиевларнинг «Устозларни улуғлаймиз!» мавзуидаги ёшлар билан учрашуви ва «Тангригул» ҳудудий бошланғич партия ташкилотида партия фаоли М. Ҳасанованинг юбилей кечасини ўтказди. Тадбирларда туман партия кенгашининг биринчи котиби З. Ҳамралиева партия фаолларига Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширди.

ХДП **Тахтакўпир туман кенгаши,** «Нуроний» жамғармаси туман бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан, Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган, кеча ўтказилди. Унга уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар вакиллари таклиф этилиб, дастурхон ёзилди, шоир ва санъаткорларнинг чиқишлари ташкил қилинди. Тадбирда туман партия кенгашининг биринчи котиби А.Матниёзов, туман ҳокимининг ўринбосари Д.Холқуразов, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Б. Тожимуродовлар фахрийларни қизғин табрикладилар.

ХДП ХАБАРИ

АРДОҚДАГИ КЕКСАЛИК

Ёши улуғларнинг ҳурматини сарбаланд тутиш азалдан халқимиз қонида бор. 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили, дея эълон қилиниши ҳукуматимиз томонидан нуронийларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг бетимсол намунасидир.

Куни кеча Чилонзор туманидаги қатор маҳаллаларда қарияларни қадрлаш тадбирлари бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги, ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши, туман «Маҳалла» жамғармаси томонидан уруш қатнашчилари, ногиронлар, ёлғиз қариялар ҳамда нуронийларга моддий ёрдам кўрсатилди. Тадбир ташкилотчилари уларнинг хонадонида бўлиб, эсдалик совғалари ва пул маблағлари топширдилар.

Бундай тадбирлардан қарияларнинг руҳи, кайфияти кўтарилди. Кекса онахону отахонлар юрт тинчлиги, эл равнақига ривож тилаб, дуога қўл очдилар.

■ **Неъматилла ШАРИПОВ,**
ЎзХДП Чилонзор туман кенгашининг иккинчи котиби

БУХОРОНИНГ 2100 ТОННА «КУМУШ ТОЛА»СИ

Етти хазинанинг бири — пиллачилик Бухоро вилоятида йил сайин ривожланяпти. Бунга амин бўлган хитойлик ҳамкорлар ҳам кўҳна шаҳарда «Хивашен» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасини очганлари нур устига аъло нур бўлди. Энди келажакда камида 5 минг тонна пилла етиштириш имконияти бор.

— Баҳор серёғин бўлганига қарамай, — дейди вилоят «Пилла» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Шавкат Очилов, — «кумуш тола» мўл бўлди. Шартнома режасида белгиланган 1980 тонна ўрнига давлатга 2100 тоннадан зиёд хомашё топширилди.

Ҳа, пиллачи меҳнати қадрланиши, мавсум давомида уларга 462 миллион сўм бўнак пуллари тарқатилиши муваффақият омили бўлди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ОЧИҚ ГАПЛАР

«ОСИЁ КАРВОН-САРОЙ» БОЗОРИ

НЕГА ҚУРИЛГАН ЭДИ-Ю, НЕГА ИШЛАМАЯПТИ? БУ САВОЛГА ЖИЗЗАХЛИКЛАР ТЎРТ ЙИЛДАН БЕРИ ЖАВОБ КУТИШМОҚДА

Бундан тўққиз-ўн йилча муқаддам Жиззахда «Осиё карвон-сарой» улгуржи-чакана савдо бозори қурилармиш» деган овоза тарқалди. Орадан кўп ўтмай у чинга айланди. 1996 йили Жиззах шаҳри яқинидан, аниқроғи, Катта Ўзбек Тракти билан «Тошкент — Термиз» автомагистрали кесишган жойдан бозор қурилиши учун 50 гектар ер майдони ажратилди.

Умумий лойиҳа қиймати 22 миллион 586 минг сўм (1991 йил баҳосида) бўлган ва беш босқичга мўлжалланган бозор қурилиши бошланди. Қисқа муддат ичида бу ерда катта ҳажмда бунёдкорлик ва ободончилик ишлари бажарилди. Таъсирчи билан бирга ўнлаб ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бозор қурилишида иштирок этдилар. Объектнинг биринчи навбати 1997 йил сентябрь ойида ниҳоясига етди. 12 гектарлик майдонда 164 миллион 517 минг сўмлик (1997 йил баҳосида) иш бажарилди. 9792 квадрат метр майдонни эгаллаган ва ҳар бири 100 ўринли 17 та савдо павильонлари қад ростлади. 9000 квадрат метр майдонда автомобиллар бозори, 3,2 гектар ерда эса автомобиллар учун турар-жойлар барпо этилди. Муҳандислик тармоқлари, савдо дўконлари, умумий овқатланиш шаҳобчалари, омборлар қуриб битказилди.

— Бозор қуриш таклифи ўша кезлари ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланди, «ҳаш-паш» дегунча лойиҳани ҳам тасдиқлашди. Қурилиш ишлари жадал кетди. Биринчи навбати 1997 йилнинг октябрь ойида ишга туширилди, — деб ҳикоя қилади бозорнинг ўша пайтдаги раҳбари Оқбола Холматов. — Режаларимиз кўп эди. Қўшни вилоятлар ва яқин мамлакатлар билан улгуржи-чакана савдони йўлга қўйиш орқали вилоятимизга нақд пул келишини кутгандик, қолаверса, эмиссия даражасини қисқартиришни ҳам мақсад қилувдик. Афсуски, ниятларимиз амалга ошмади. Ҳар хил тазйиқлар ва ишимизга четдан аралашувлар кўпайиб кетди...

Хўш, кейин-чи? Кейин бозор билан ҳеч ким қизиқмай қўйди. Тўғри, бу орада, аниқроғи, 1998 йил 4 январь куни вилоят ҳокимининг бозор тўғрисида яна бир қарори қабул қилинди. «Осиё карвон-сарой» деҳқон бозори фаолиятини жонлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорда Жиззах шаҳри деҳқонбуюм бозорлари санитария ҳолати қониқарсиз эканлиги, сотувчи ва харидорларга шароит етарли эмаслиги учун 1998 йилнинг 4 январидан бошлаб буюм билан савдосотиқ фақат «Осиё карвон-сарой» бозорида ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Ҳатто, шанба-якшанба кунлари туманларнинг марказларидан шаҳарга қатновчи автобусларнинг охирги бекатини Жиззах шаҳри шоҳбекатида ташкил қилиш, «Осиё карвон-сарой» бозорига микроавтобус-маршруткалар қатновини йўлга қўйиш, шаҳар ичидаги 1-микроавтобус йўналиши қатновини бозоргача узайтириш юзасидан тегишли бошқарма ва ташкилотлар зиммасига вазифалар юкланди. Аммо, бу қарор қоғозда қолиб кетди. Очиқроқ айтганда, одамлар шаҳар чеккасидаги янги бозорга боришни хоҳлашмади.

... Орадан тўрт йил ўтди. Бозор ҳамон ишламаяпти. Дарвоқе, бир-икки йилдан бери ҳар якшанба куни бу ерда автомобиль бозори бўлаяпти. Бу ишнинг «Осиё карвон-сарой» бозори маъмурияти эмас, вилоят «Автотеххизмат» бирлашмаси зиммасига олган. Катта-катта маблағлар эвазига қурилган савдо павильонлари, дўконлар, умумий овқатланиш шаҳобчалари эса ҳувиллаб ётибди. Энг ёмони, уларнинг айримлари бузиб олиниб, қаерларгадир ташиб кетилмоқда.

Табиий савол туғилади: шу ерда ўзи улгуржи-чакана савдо бозори қуриш керакмиди?

— Керак эди, — дейди Жиззах шаҳар ҳокимининг савдо, умумий овқатланиш масалалари бўйича ўринбосари Бахтиёр Соатов. — Чунки, «Тошкент — Термиз» автомобиль трассасидан ҳар куни икки тарафга тахминан 520-530 автобус, 2400-2500 енгил машина, 900-940 юк автомобили, Катта Ўзбек Трактидан эса 100-110 автобус, 310-320 енгил машина қатнайди. Жами йўловчиларнинг атиги 10 фоизи бозорга кириб ўтсаям кунига 2100-2200 киши нимадир харид қилиши мумкин эди. Ҳар куни вилоятимиз аҳолисининг бир фоизи бозорга келган тақдирда бу кўрсаткич 10 минг кишидан ошиб кетарди. Бу эса вилоятимизда нақд пул тушумини кўпайтириш ва эмиссия даражасини қисқартиришга ижобий таъсир ўтказарди, юзлаб шаҳарликларни иш билан таъминлаш имконини берарди.

— Улгуржи товар олиб келиш учун 200-230 километр йўл босиб, Тошкентга, Ўрикзор ёки Отчопар бозорига бораяпмиз, — дейди шаҳардаги «Кўк бозор» деҳқон бозорида савдо қилаётган хусусий тадбиркор Валижон Эрматов. — Кўпинча 4-5 киши биргаликда машина кира қилиб, тунда йўлга чиқишга мажбурмиз. Анча-мунча харажатга тушамиз, уйқудан қоламиз, вақтимизни йўқотамиз. Табиийки, сарфлаган харажатларимизни товарлар устига қўйишга тўғри келади. Оқибатда уларнинг нархи ошиб кетаяпти. Агар улгуржи бозор ўзимизда ишласа қанийди? Бундан сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам манфаатдор-ку. Бу — биргина менинг эмас, барча сотувчи-ю, харидорларнинг фикри...

Демак, бозор керак. Унда нега у ишламаяпти?

— Бу энди бошқа масала, — дейди вилоят деҳқон бозорлари уюшмаси раҳбари Ўрозали Қулматов. — Қачонлардир, кимларнингдир айби, кимларнингдир масъулиятсизлиги сабабли у тўрт йил мобайнида ишламади.

Қизиқ, кимларнингдир ташаббуси билан қурилди. Кимларнингдир айби билан ишламади. Энди нима бўлади?

Одамларнинг фикрича, аслида уни ишлатса бўлади. Лекин буюмлар савдоси бозори эмас, балки чинакамига улгуржи-чакана савдо бозорига айлантириш керак.

«Осиё карвон-сарой» бозори ҳудудидаги савдо павильонларидан яхши ният билан жой олган, сотувчи ва харидорларга хизмат этишни орзу қилиб дўконлар, ошхоналар, маданий-маиший шаҳобчалар қурган тадбиркорлар, қурилишга маблағ ўтказган ўнлаб корхоналарнинг ҳисобчилари бугунги кунда нима қилишини билмай ҳайрон. «Сарф-харажатларимизга қуйиб қолаверамизми?» — деган сўроқ уларни ташвишга солмоқда.

— Бозор қурилиши учун тўқсон олтинчи йил баҳосида 1 миллион 300 минг сўмлик маҳсулотимиз ишлатилди, — дейди шаҳардаги қурилиш материаллари комбинати раҳбари Нормейли Ғаффоров. — Пулини ҳалигача ололмаймиз. Кимдан ундиришни ҳам билмаймиз. Чунки қурилиш учун масъул директорлик тугаб кетган. Бу ишнинг бошида турган шаҳар ҳокимлигидаги мутасаддилар эса худди ҳамма нарсадан бехабардай ўзларини четга олишаяпти...

Қизиғи шундаки, ўтган тўрт йилда ишламаган бозорнинг раҳбари тўрт марта ўзгарди. Раҳбарлар келиб-кетаверди. Бозор ўша-ўша: катта йўлнинг бўйида ҳамон ўтган-кетганларнинг эътиборини ўзига тортиб турибди. Бу орада озмунча ер солиғи тўланадими? Бўм-бўш бинолару атрофни ёритиб турган электр ҳақи ва бошқа тўловлар-чи? Бозор акцияларидан сотиб олган акциядорларнинг аҳволини айтмайсизми? Ишлатилмас экан, уни қуришдан не фойда? Ёки бозор қилиб ишлатишнинг уддасидан чиқолмаганлар ундан бошқа мақсадларда фойдаланса бўлмасмиди? Бозорнинг бундан кейинги тақдири нима бўлади? Ими-жимида бузилиб, йўқ бўлиб кетадими ёки ишлайдими?

Бу саволлар кўплаб жиззахликларни ташвишлантириб келмоқда. Улар кимга мурожаат қилишни, кимдан жавоб олишни билишмаяпти. Ростдан ҳам бу саволларга ким жавоб беради?

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири



Суратларда:

1. Бозор дарвозаси тўрт йилдан бери очилмайди;

2. Қурилганидан буён сотувчиниям, харидорниям кўрмаган ва бугун ўт босиб ётган савдо павильонларидан бири;

3-4. Қаровсиз қолган бозордаги бинолар, пештахталар, дўконлар бузиб кетилаяпти.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ:

ДЕПОЗИТАРЛАР ҲАМКОРЛИГИ ФАОЛЛАШМОҚДА

Бугун Тошкентга Корея Республикаси Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси делегацияси ташриф буюрди. Ушбу ташриф Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозларнинг Давлат марказий депозитарийси(ДМД) томонидан Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси иштирокида ташкил қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 1974 йилда ташкил этилган Корея Республикаси Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси (ҚМД) айни кунда дунёдаги йирик ва ривожланган Марказий депозитарийлардан бири ҳисобланади. ҚМД томонидан Корея фонд бозорида, KOSDAQ биржасидан ташқари савдоларда ва облигация савдоси бозоридаги барча битишувлар бўйича ҳисоб-китоблар ва клиринг амалга оширилади.

ҚМД экспертлари Ўзбекистонга илк бор ўтган йилнинг август ойида ташриф буюришиб, делегацияга ҚМД раиси ўринбосари жаноб Ву Вон Ли раҳбарлик қилганди. Ташрифнинг асосий мақсади икки мамлакатнинг Марказий депозитарийлари ўртасида муносабатлар ўрнатиш эди. Мазкур ташриф давомида қимматли қоғозлар бозорининг асосий институтлари томонидан амалга ошириладиган жорий ва келгуси вазифалар ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ўзаро муҳокама қилинганди. Айни шунга ўхшаш хизматлар профессионал консалтинг агентликлари томонидан юз минглаб АҚШ доллари тўлови ҳисобига амалга оширилиб, кореялик ҳамкасблар Марказий депозитарийга кейинги ойлар давомида ўзларининг энг яхши интеллектуал заҳираларини ишга солмоқдалар.

Бозорларни кенг миқёсда қамраб олиш ва узвий жипслаштиришнинг замонавий анъанаси фонд бозорининг мутахассислари фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Шу ўринда ўзаро манфаатли иқтисодий ва дипломатик муносабатлар ўрнатишнинг қадимий анъаналарига эга мамлакат — Ўзбекистон илк шундай учрашув жойи бўлганлиги ҳам маъжозий жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади.

Ташрифнинг якуний қисмида ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандумни имзолаш кўзда тутилмоқда. Унда келгуси ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб олинади. Ҳар икки томон ҳам ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга катта умид боғлашмоқда ва депозитарийлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги ришталарини мустаҳкамлашга, фонд бозорларини янада фаол юритишга интилмоқдалар.

■ **Ўз мухбиримиз**

ШАХСИЙ САМОЛЁТЛАРГА ҲАМ РУХСАТ ТЕГДИ

АҚШ транспорт вазирлиги Вашингтон шаҳридаги Рональд Рейган номли халқаро аэропортга шахсий самолётлар қўниши учун ҳам рухсат беришга қарор қилди. Аэропорт маъмуриятининг хабар беришича, шахсий самолётлар қўнишига рухсат олиш учун махсус хавфсизлик тестидан ўтишлари лозим. Яъни, аввалдан узатилган учувчи ва йўловчилар ҳақидаги маълумотлар текширилади, шунингдек, самолётнинг техник ҳолати ўрнатилган хавфсизлик стандартларига жавоб бериш-бермаслиги ҳам кўрикдан ўтказилади.

Рональд Рейган номли аэропортга шахсий самолётлар қўниши ўтган йил 11 сентябрдаги фожиадан сўнг тақиқланган эди.

ЎЛИМ ЖАЗОСИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

1993 йили полиция зобитига уюштирилган қотилликда айбли, деб топилган 54 ёшли аёл Линда Лайон Блок устидан чиқарилган суд ҳукми, яъни ўлим жазоси ижро этилди. Ижро кундуз соат 12 да Алабам штатининг Атмор шаҳридаги Холман қамоқхонасида — электрли стулда амалга оширилди. Бу ҳақда ахлоқ тузатиш муассасалари давлат бошқармасининг матбуот котиби Брайн Корбетт хабар тарқатди. Унинг таъкидлашича, полиция зобити Рожер Мотлига қотилликни эр-хотин — Линда Лайон Блок ва Жорж Сибли уюштиришган, яъни полицияни отиб ташлашган. Сибли ҳам ўлим жазосига ҳукм қилинган, лекин ҳукмни ижро этиш учун у Бирмингемдаги қамоқхонага жўнатилган.

2 МИНГ КИШИЛИК НАМОЙИШ

Қирғизистоннинг жанубида душанба куни бўлиб ўтган норозилик намойишида 2 мингдан ортиқ киши қатнашди. Deutsche Welle радиостанцияси тарқатган хабарларга кўра, Бишкекдаги парламент биноси олдида тўпланган намойишчилар Хитой Халқ Республикаси билан Қирғизистон Республикаси давлат чегараларини делимитация қилиш тўғрисидаги келишув бекор қилинишини талаб этишди. Келишувга кўра 125 минг гектар майдон Хитойга берилиши лозим. Бу келишувни парламентнинг қуйи палатаси ратификация қилган.

Оппозициянинг баёнот беришича, ҳужжат парламент томонидан ратификация қилиниши кўпол хатоликдан ўзга нарса эмас.

Шунингдек, намойиш иштирокчилари парламент тарқатиб юборилишини, оппозиция вакилларининг жиноий жавобгарликка тортилишини тўхтатишни, президентнинг истеъфо беришини, шу йил мартда Оқсуда юз берган қонли тўқнашув сабаблари тўлиқ очилишини талаб этишди.

«Қирғиз-инфо»нинг хабар беришича, Қирғизистон ҳукумати тинчликни сақлаш борасида аҳолига мурожаат этган. Мамлакатда сиёсий ва иқтисодий мувозанатни сақлаш учун ҳукумат қўлидан келган барча чораларни кўради, дея таъкидлади Қирғизистон бош вазири ўринбосари Николай Танаев матбуот конференциясида.

ҲУКУМАТ ФОНДИНИ БЕМАҚСАД СОВУРГАНИ УЧУН

Япония прокуратураси томонидан мамлакат Ташқи ишлар вазирлигининг икки нафар мансабдор вакили Россия учун ажратилган ёрдам воситаларини мақсадсиз ўзлаштиришда айбланиб қамоққа олинди. Уларнинг бири Япония Ташқи ишлар вазирлигининг прогноз ва таҳлил бюроси вакили Масару Сато ва иккинчиси Япония — Россия муносабатлари бўйича собиқ ишончли вакили Акиро Маеджима бўлиб, улар ҳукумат фондидан 257 минг долларлик маблағни талон-торож қилишган.

ИНТЕРПОЛ ҚИДИРУВИДА ЭДИ

Чехия ҳукумати йирик товламачиликда айбланаётган россиялик Олег Рогозинни Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ихтиёрига топширди. 38 ёшли бу товламачи 2000 йил сентябрдан буён Интерпол қидирувида эди. Тергов маълумотларига кўра, Рогозин «Ост-инвест» компаниясини бошқараётган пайтда, яъни 1998 йил январда 1 миллион АҚШ доллари миқдорида ҳукуматдан кредит олиб, унинг асосий қисмини Багам ороллaридаги ўзининг фирмаси ҳисоб рақамига ўтказиб юборган ва ўзи эса чет элга қочиб кетган.

Эндиликда уни беш йилдан ўн йилгача қамоқ жазоси кутмоқда. Бундан ташқари, унинг бор мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилади.

ЎН САККИЗИНЧИ УЛКАН АЙСБЕРГ



Узунлиги 75,2 километр, эни 7 километр келадиган улкан айсберг Антарктиданинг Росса музликларидан ажралиб чиқди. АҚШ миллий музликлар маркази вакиллари тарқатган манбаларга қараганда, бу улкан бўлак 1976 йилдан бери Антарктида музликларидан ажралиб чиққан ўн саккизинчи айсберг бўлиб, 5 май куни коинотдаги сунъий йўлдош ёрдамида суратга олинган. Сунъий йўлдошдан олинган манбаларда қайд этилишича, айсберг бундан икки ҳафта олдин ажралиб чиққан. Унинг ажралиб чиқишига сабаб, жанубий қутб — Антарктида музлигининг доимий ҳаракатда бўлишидир. Бундан ташқари, бу Ер юзи иқлимининг исиб бораётганидан ҳам далолатдир.

ШЕЪР ВА ШУУР

Ўткир РАҲМАТ

КЕЛ ЭЙ КЎНГЛИМ...

Дунё гўё бозор экан,
Савдогар ким, ким харидор.
Гоҳ қувончу озор экан,
Гоҳ этар шод, гоҳ ярадор.
Неки ўтса ўзинг гувоҳ,
Сенингчалик билмас ҳеч ким.
Четда туриб чекма кўп оҳ,
Кел эй кўнглим, кел эй кўнглим.

Ота-она меҳричалик
Сир-синоат қайда ахир?
Бепоёндир қалб шунчалик,
Ягонадир икки бағир.
Кимда меҳр?
Дўстдами ё...
Юрса не тонг ҳол сўрмай жим.
Яралганми шундай дунё,
Кел эй кўнглим, кел эй кўнглим.

Ғуссаларнинг чеки бордир,
Бир кун яйрар дил чорбоғи.
Меҳрга у жуда зордир,
Йўл қарайди кўз қароғи.
Елкамга ким елка тутгай,
Олдда ҳали борар йўлим.
Балки кимдир интиқ кутгай,
Кел эй кўнглим, кел эй кўнглим.

Ҳавас, ҳасад юрар бирга,
Ёниб гоҳи, гоҳ тутайсан.
Тушунолмай бундай сирга,
Қуйлаётган ажиб найсан.
Бу тилсимга лолу ҳайрон,
Калом топмай шошар тилим.
Сабр-тоқат балки имкон,
Кел эй кўнглим, кел эй кўнглим.

Кўрдим, пинҳон оҳ чекарсан,
Киприкларинг бунчалик нам.
Шунча бағри тор экансан,
Билсанг дунё ўзи бир кам.
Йўқлаб келган бегонамас,
Ўтирган у — менинг синглим.

Бошинг кўтар, ўксинма бас,
Кел эй кўнглим, кел эй кўнглим.

Сеники шу осмон ахир,
Тупроғида унгувчи зар.
Бу Ватанни топдим охир,
Офтоб, ойи мангу кезар.
Тарк этмаган муҳаббат ҳам,
Суянгувчи бордир элим.
Кунлар келгай шоду бегам,
Кел эй кўнглим, кел эй кўнглим.

ДЕҲҚОН ЎЗИНГ...

Толеинг бор бўлдинг заминдор,
Ўтрик сўзлар энди кетмайди.
Бу даланинг қўйнида зинҳор
Рости, сенсиз ризқ ҳам битмайди.

Сабринг ахир қаттиқдир тошдан,
Дилда эса эзгудир тилак.
Мақсадинг бор ахир яшашдан,
Сенда меҳр ерга ҳам бўлак.

Еган нонинг ҳалолинг бўлсин,
Тупроқда ризқ ундирган заҳмат.
Майли уйинг бунёйга тўлсин,
Саодатга эришгин фақат.

Эрта тонгдан офтоб-ку ҳамдам,
Умр борки бирга турасан.
Ўз ишингдан бўлмай хотиржам,
То шомгача доим юрасан.

Шартномадир лафз дегани,
Сўз бердингми бағишлайсан жон.
Элу юртга ризқни бергани,
Тўрт фасл ҳам излайсан имкон.

Қаловини топмоқ учун ҳам,
Ҳисобини олмасанг бўлмас.
Кўз тикади гоҳи муттаҳам,
Нонинг «туя» қилмасдан қолмас.

Гоҳи бири беради фириб,
Иш қилгандай кўринар «ҳорғин».



Ер ва сенинг ҳақингдан уриб
Кўзларингга тикилар «ғамгин».

Чек дафтарчанг тушингга кирмас,
Идорада кимдир тўлдирар.
Улар сени сира ўйламас,
Фақат «юлиш» пайида юрар.

Ёқилмаган ёқилғи «ёнар»,
Ўн марталаб ерни «ҳайдарлар».
Улар нафси ризқингдан қонар,
Қоғозларни шундай «алдарлар»

Меҳмон келди, дейди қай бири,
Раҳбар айтди, дейди бирови.
Деҳқон, билсанг ҳаммасин сири —
Ўйлаб топган бу улар «ови».

Тер тўкмайин дастурхонига
Ризо қилмай оларкан неъмат.
Ором берса бугун жонига
Бир кун тешиб чиқади албат!

Ўроқда-ю машоқда йўқлар,
Гоҳ хирмонда бўларкан ҳозир.
Мақтаб ўзин — ўзини ёқлар,
Заҳматларинг эса барибир.

Ҳамроҳингдир сабр, матонат,
Остонангга келтирдинг иқбол.
Сени қўллаб тургувчи фақат,
Йўлбошчинг бор, бордир Ислиқлол.

Кўзингни оч, ғафлатдан воз кеч,
Ўзлигингни англаб олсанг бас.
Ўйлаб, фикр тугунини еч,
Деҳқон ўзинг, бошқалар эмас!

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

«ҲАЙ-ҲАЙ ЎЛАН, ЖОН ЎЛАН...»

ЁКИ БУГУН ҲАММА АЁЛЛАРИМИЗ ҲАМ «ЁР-ЁР» АЙТИШНИ БИЛИШАДИМИ?

Бугун тўйларимизга «ёр-ёр» керакми? Ишончим комилки, бу саволга ҳар биримиз «Албатта керак, ахир «ёр-ёр» миллий урф-одатимиз-ку!» деб жавоб берамиз. Қадим-қадимда отабоболаримиз, оналаримиз, момоларимиз «ёр-ёр» айтиб келин узатиб боришган. Минг бир маъноли, ёруғ, пок тилакларни ифода этувчи гўзал «ёр-ёр»ларимиз бўлган. Бугун-чи? Биз ўша «ёр-ёр»ларни биламизми?

Яқинларимиздан бири қизини узатди. Бир автобус лиқ тўла хотин-ҳалаж қиз узатиб йўлга отландик. Ҳайдовчи магнитафонидан шўх бир қўшиқни қўйиб юборди. Кейин карнай-сурнай, доира, ноғорачи, қарс-бадабанг чаляпти, ёшлар ўйин-кулги қилишяпти. Орамиздаги ёши улуғ меҳмон, кўқонлик Муҳаббатхон ая: «Тўйнинг кўрки «ёр-ёр», қани, бир «ёр-ёр»дан олайлик-чи», дедилар. Негадир қий-чув таққа тўхтади, аёллар сал бесаранжомлашиб бир-биримизга қарадик. «Ўзи «ёр-ёр»ни биласизларми?» — деб сўради меҳмон. «Сиз бошланг, биз қўшиламиз», деди кимдир. Меҳмон бошлади. Биз каловланиб қолдик, биров бир қатор айтади, жўр бўлолмаймиз, биров адоғидан айтади. Аслида аксариятимиз ўқитувчи, шифокор, қисқаси зиёли аёллар эдик. Қисталанг-қисталангдан кейин кимдир:

Савдо қилгин хорижда, ёр-ёр
Дам оласан Парижда, ёр-ёр...

дея қўшиқ бошлади ўзича ҳазил қилиб.

Бу тутуриқсиз ҳазилдан янада хижолат тортдик.

Шу пайт ўрта ёшлардаги доирачи эркак доирани бир мақомда чертиб шундай «ёр-ёр» бошладики, биз аёллар нафас ютиб қолдик. Сўнг айримларимиз унга жўр бўлиб, тўйхонага кириб бордик.

Тўйхонада ўтирганимизда доирачини гапга солдим:

— «Ёр-ёр»ларни қаердан ўргангансиз?

— Юртнинг тўйида кўп юрган одамларми-да, — деди у, — кўп кузатаман, очиғи, ҳозирги аёлларимиз халқона қўшиқлару лапарларни унчалик билишмайди... «Ёр-ёр» бу халқимизнинг қадимий қўшиғи. Юракнинг туб-тубидан сизиб чиқади бу.

Икки ёшга бахт тилаб тўй охирлаёзди. Хонанда йигит: «Ваъдасида турмаган ёлғончи қиз «ёр-ёр», деган қўшиқни бошлади.

Тўғриси, шу пайтгача бу қўшиқ ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрмаган эканманми, ғалати бўлиб кетдим. Нега энди бир-бирини севиб турмуш қураётган ёшларга бу қўшиқ айтилиши керак? Бу қўшиқ, яъни «ваъдасида турмаган ёр» деган сўзлар келин-куёв кўнглига оғир ботмайдими? Ҳамма никоҳ тўйларида шу «ёр-ёр» айтилади. Бошқа шеър, «ёр-ёр» йўқми? Бор. Аммо тайёр қўшиқни айтиш осон-да. Янгиси анча меҳнат талаб қилади.

Шу ўринда яна савол туғилади: болаларимизга «ёр-ёр» айтишни ким ўргатиши керак ўзи? Ота-онами, мактабми ёки маҳаллами? Назаримда, бу энг аввало оила ва маҳалла муҳитига боғлиқ. Мактаблардаги адабиёт ўқитувчилари, қўшиқ санъатидан сабоқ берувчи муаллимларга ҳам кўп нарса боғлиқ, албатта.

Ҳозир тўйларимизни ихчам, кам чиқим қилиб ўтказиш тўғрисида гапираяпмиз, жойларда шунга эришишга ҳаракатлар бўлаяпти. Аммо тўйларимизнинг ўзига хослиги, бу асосан миллий урф-одатларимиз билан ўлчанади. Улардан қай бирларини асраш, ардоқлаш ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўришимиз лозимга ўхшайди. Чунки, тўйларимизнинг маънавий жиҳатлари ёшларимизда миллий мафкурани шакллантиришга хизмат қилади. Демак, масаланинг бир учи «Камолот» ёшлар ижтимоий харакати, маҳалла қўмиталарига бориб тақаляпти. Масалан, маҳаллалараро «Алла», «Энг яхши келин», «Намунали хонадон» каби танлов ва беллашувлар доирасида «ёр-ёр»ларни, лапарларни тарғибот қилсак бўлади-ку. Бу гаплар менинг шахсий мулоҳазаларим. Эҳтимол, бошқалар бошқача ўйлар.

■ Саида САЙХУН

SPORT



БУХОРО «УНИВЕРСИАДА — 2002» НАФАСИ БИЛАН ЯШАМОҚДА

Маълумки, 26 май — 1 июнь кунлари Бухорода республика олий таълим муассасалари талабаларининг иккинчи анъанавий «Универсиада» спорт ўйинлари бўлиб ўтади. Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан жами 16 жамоа спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро баҳслашадилар.

Бугун Бухоро шаҳри ҳамда вилояти аҳолиси «Универсиада — 2002» нафаси, руҳи билан яшамоқда. Ана шу спорт байрами баҳонасида кўҳна ва навқирон шаҳар чиройига чирой қўшилди, кўркамлашди. Вилоят меҳнаткашларининг ғайрати билан ўнлаб спорт мажмуалари қайта қурилди, барпо этилди. Эътиборлиси, ўзининг қадимий меъморий обидалари билан етти иқлимга машхур Бухорода 25 минг томошабинни ўз бағрига сиғдира оладиган замонавий «Бухоро» ўйингоҳи қуриб битказилди. Барча қулайликка эга мазкур спорт мажмуини бунёд этиш учун 4 миллиард сўм атрофида маблағ сарфланди.

«Универсиада — 2002» мусобақаларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари айнан шу спорт мажмуасида ўтказилади. Ҳозир бу иншоотда сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилаётир.

■ Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар

Суратларда:

1. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Бухоро шаҳар ҳокимлиги вакиллари пардозлаш ишлари якунланаётган «Бухоро» ўйингоҳини кўздан кечиришмоқда. 2. «Универсиада — 2002» мусобақаларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари шу ерда бўлиб ўтади. 3. Теннисчилар баҳсларни шундай шинам «Ҳумо» кортларида ўтказадилар.

КУРАШ. Мамлакатимизда Жанубий Африка Республикаси курашчилари меҳмон бўлиб турибди. Кеча Миллий матбуот марказида таниқли полвон, Венгрияда ўтган учинчи жаҳон чемпионати бронза медали совриндори, биринчи Африка чемпионати ғолиби Андре Кристиан ван Зил раҳбарлик қилаётган делегация аъзолари билан оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида матбуот анжумани ўтказилди.

— Мамлакатимизда ўзбек курашига қизиқиш жуда катта, — деди журналистлар билан суҳбатда Кристиан ван Зил. — Қисқа фурсатда ушбу спорт тури билан шуғулланаётганлар сони тўрт мингдан ошиб кетди. Ташрифимиз 20 майгача давом этади. Мутахассис ва спортчиларимиз Ўзбекистондаги қатор кураш мактаблари тажрибасини ўрганишади. 17-19 май кунлари Наманганда кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтадиган «Соғлом авлод» турнирини кузатамиз ва мусобақа қатнашчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказамиз. Ўйлайманки, Ўзбекистонга қилган сафаримиз келажакда Жанубий Африкада курашнинг тез суръатлар билан ривожланишига ҳисса қўшади.

БОКС. Венгриянинг Кискемит шаҳрида ўсмирлар ўртасида жаҳон биринчилиги ниҳоясига етди. Дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакати боксчилари қатнашган нуфузли мусобақада вакилларимиз ҳам муносиб иштирок этдилар. Ўсмирларимиздан Элшод Расулов(57 кг.) ҳамда Азиз Раҳмонов(91 кг.)лар ўз вазн тоифаларида финалгача барча рақибларидан устун келишди. Фақат ҳал қилувчи баҳсларда ютқазиб, кумуш медаль билан кифояландилар.

ФУТБОЛ. Шу йилнинг октябрь ойида Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида навбатдаги Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Қитъа олимпиадаси номини олган мазкур мусобақада юртимиз спортчилари ҳам қатнашадилар. Куни кеча футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси шу баҳсларга тайёргарлик вазифасини бажарувчи халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказишди. Ҳамюртларимиз Кошице шаҳрида Словакия миллий терма жамоасига қарши майдонга чиқдилар. Афсуски, фақат мамлакат ички чемпионатида тўп сураётган футболчилардан ташкил топган бош жамоамиз 1:4 ҳисобида имкониятни бой берди. Вакилларимиздан ягона тўп муаллифи пахтакорчи Зайниддин Тожиев бўлди.

■ Эркин ХОЛБОБО

МАЙДОНДА ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ

Кеча Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳида республика Касаба уюшмаларининг «Саломатлик» қишлоқ спартакиадаси тантанали очилди.

Шаҳардаги ушбу ўйингоҳ қанчадан-қанча байрамлар, шодиёналар, тарихий мусобақаларнинг гувоҳи бўлиб келмоқда. 10 минг кишилик томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ кеча яна одамлар билан лиқ тўлди. Сурхондарё вилоят ҳокими Т. Қодиров мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган бу спорт байрамини очиқ деб эълон қилар экан, барча иштирокчиларга омад тилади. Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Д. Жаҳонгирова, республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Маҳситовлар ҳам табрик нутқи сўзладилар.

Уч кун мобайнида республикамиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари спортнинг 8 тури — миллий кураш, тош кўтариш, стол тенниси, арқон тортиш, шоҳмот-шашка, минифутбол, волейбол бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишади. Мусобақа ғолибларини республика Касаба уюшмалари федерацияси, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ва бошқа ҳомийлар томонидан қўйилган совринлар кутмоқда.

«Саломатлик» қишлоқ спартакиадасининг тантанавор очилиши маросимидан сўнг республика ва вилоят санъат усталарининг катта концерти намойиш этилди.

■ Абдурасул ЖУМАҚУЛ

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ АУКЦИОН ВА БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2002 йил 17,20 июнь кунлари Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Хатирчи тумани М. Улуғбек номли ширкат хўжалиги Қаиш қишлоғидан музқаймоқ кафеси қуриш учун 60,0 кв.м. ер майдони.
Бошланғич баҳоси — 2130 сўм.
2. Хатирчи тумани М. Улуғбек номли ширкат хўжалиги Қаиш қишлоғидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қуриш учун 144,0 кв.м. ер майдони. **Бошланғич баҳоси — 5238 сўм.**
3. «Навоий овози» таҳририятига қарашли 1985 йилда ишлаб чиқарилган УАЗ-469Б русумли д.р. 31-97 НВА автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 121400 сўм.
4. Томди туманидаги 21-мактаб-интернатга қарашли 1968 йилда ишлаб чиқарилган ГАЗ-51 русумли д.р 80-65 НВН автомашина.
Бошланғич баҳоси — 189000 сўм.
5. «Нурота нон комбинати» АЖ га қарашли автотранспорт воситалари:
❑ ГАЗ-52 русумли д.р. 04-39 НВН бўлган автомашина. **Бошланғич баҳоси — 280000 сўм;**
❑ ГАЗ-52 русумли, д.р. 17-23 НВН бўлган автомашина. **Бошланғич баҳоси — 444462 сўм;**
❑ ГАЗ-52 русумли, д.р. 29-88 НВН бўлган автомашина. **Бошланғич баҳоси — 349600 сўм.**

2002 йил 18,21 июнь кунлари Қизилтепа туманида соат 15.00 да Қизилтепа туман ҳокимияти мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Қизилтепа шаҳар «Қизил тонг» кўчасидан фуқароларга уй-жой қуриш учун 600,0 кв.м. дан 25 дона ер майдони. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 55200 сўмдан.**

Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиалида ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари ташкил этиладиган «Биржа» савдоларига қуйидаги мулклар қўйилган:

1. Навбаҳор тумани Навоий номли ширкат хўжалигига қарашли чорвачилик фирмаси мол-мулклари. **Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.**
2. Хатирчи тумани Охунбобоев номли ширкат хўжалигига қарашли қуйидаги мол-мулклар:
❑ СНП-50/80 русумли сув насоси.
Бошланғич баҳоси — 300 000 сўм;
❑ 0,5 га боғ. **Бошланғич баҳоси — 350 000 сўм;**
❑ 1,5 га боғ. **Бошланғич баҳоси — 350 000 сўм;**
❑ 2 га боғ. **Бошланғич баҳоси — 350 000 сўм;**
❑ 2 га боғ. **Бошланғич баҳоси — 350 000 сўм;**
❑ 0,5 га боғ. **Бошланғич баҳоси — 350 000 сўм;**
❑ 0,5 га боғ. **Бошланғич баҳоси — 350 000 сўм;**
❑ 2 га боғ. **Бошланғич баҳоси — 350 000 сўм;**
❑ 1,5 га боғ. **Бошланғич баҳоси — 350 000 сўм;**
3. «Бунёд-Қизилқумцемент» ИЧКга қарашли Навбаҳор туманида жойлашган қурилиши тугалланмаган узумни қайта ишлаш пункти.
Бошланғич баҳоси — 18267000 сўм;
4. Хатирчи тумани ДСИ томонидан сотувга қўйилган Хатирчи тумани МТП АЖ га қарашли қуйидаги мол-мулклар:
❑ Таъминот база идора биноси.
Бошланғич баҳоси — 3076000 сўм;
❑ Эҳтиёт қисмлар омборхонаси.
Бошланғич баҳоси — 4680000 сўм;
❑ Омборхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 9250000 сўм;
❑ Идора биноси.
Бошланғич баҳоси — 3015000 сўм;
❑ Тарози биноси.
Бошланғич баҳоси — 2800000 сўм;
❑ Сартарошхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 250000 сўм;
❑ Устахона омбори.
Бошланғич баҳоси — 6150000 сўм;
❑ Омборхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 4259000 сўм;
❑ Қоровулхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 513000 сўм;
❑ СТО-МТП биноси.
Бошланғич баҳоси — 5411000 сўм;
❑ Ётоқхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 2141000 сўм.
5. Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган Навоий тоғ металлургия комбинати Марказий кон бошқармасига қарашли умумий майдони 721,5 кв.м. бўлган 31-сонли савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 16000000 сўм.

Аукцион савдоларда қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоларига кўчмас мулклар, авто-мототранспорт воситалари бўйича савдо бошланишидан 1 соат, ер майдонлари бўйича 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиалига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил:
Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси 24-уй. Телефон: 8 (43622) 4-15-61, 4-64-31.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA